

Масжиддаги вақф китоблар

21:07 / 24.04.2016 2915

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Муҳтарам Ҳазрат,

Бир йилча аввал Сизга сайтдан мурожаат қилиб, савоби марҳумларга аталиб ҳадя сифатида қавм масжидига берилган китоблар номаълум кишилар томонидан олиб кетилиб, қайтариб олиб келинмаганлиги ва бу китоблардан бошқа дарак бўлмаганлигини айтиб ёзган эдим. Ўшанда бу ҳолат такрорланмаслиги учун китобларни вақф қилиб, уларнинг ичига вақф шартларини билдириб, бу шартлар ичига китоб олиб кетувчиларга қарши ёзув битиб берса жоизми, деган савол билан Сизга мурожаат қилгандим. Бу билан анча олдин ўтган марҳумларимни савобдан маҳрум бўлишларига йўл қўймаслик эди. Сиздан “жоиз” деган жавобни олгач, ўзбек тилида вақф хати битиб, ўзбек тилидаги китобларга бириктириб қўйгандим. Вақф хатини рус тилига ҳам таржима қилган ҳолда русча китоблар ичига ҳам бириктирдим. Аввал масжиддан дом-дараксиз олиб кетилган ва ундан кейин вақфга берилган китобларнинг барчаси Сизнинг китобларингиз эди.

Шундан сўнг мана бир йил ўтиб бўлди ва китобларнинг бирортаси ҳам йўқолмади. Қавмнинг, ҳатто бу борада ўзини эркироқ деб билган баъзи ёши улуғларнинг ҳам китобларга муносабати ўзгарди. Китобларни мутолаа қилиш ортиши билан бир қаторда, улар авайлаб ишлатиладиган бўлиб қолди, ичида вақф хати бор китоблар эса ҳали ҳам янгидек турибди. Шу вақф хати бошқаларга ҳам фойда берар, сайтда ёки бошқа ишда қўлланилар, деган ўй билан барча ҳажмдаги китоблар учун ягона қилиб битилган умумий матнни Сизга юборяпман.

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

نَحْمَدُكَ يَا رَبِّ الْعَالَمِينَ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин!

Муҳаммад Мустафога саловоту дурудлар бўлсин!

Ушбу китоб Аллоҳнинг байти бўлмиш «Авайхон» жомеъ масжидига Аллоҳнинг розилиги учун вақф тарикасида берилиб, савоби вақф эгасининг марҳумларига аталган. Унда қуйидаги шартлар мавжуд:

1. Ушбу сотилмас, мерос қилинмас ва ҳадя қилинмас. Унга валийлик (нозирлик) ҳаққи масжид ходимларида. Ўзи учун фойдаланишда вақф мутаваллийсининг ҳаққи бирламчидир. Вақф валийси (нозири) имом томонидан тайинланади.
2. Масжидда фойдаланишда чегаралаш йўқ.
3. Муваққат ўзи билан олиб кетишда фойдаланувчи шахс мутаваллий рухсати билангина, ўзини танитиб, фақат маълум сонли кунларга ўзи билан олиб кетиши мумкин. Бунда ҳажмига қараб: 50 бетгача – 2 кунгача, 300 бетгача – 7 кунгача, 300 дан ортиқ бет бўлганда – 10 кунгача олиб кетишга ҳақли, ундан кўп эмас.
4. Муваққат муддат тугаганда фойдаланувчи иккинчи фойдаланувчига бермайди; вақфни мутаваллийга топширади. Кейинги шахс масжиддан сўраб олади.
5. Олиб кетишда бир кишига бир китоб (ёки бир жуз).
6. Агар қайтариб бераётиб, яна масжидга моддий ҳиммат кўрсатса, Аллоҳ унга кенглик берсин, бермаганда ҳам ҳеч бир айбга ўрин йўқ. Дуо қилиш кифоя.
7. Китобга билиб-билмай зарар келтирса, маълум қисмда товонини тўласин. Бундан маблағ тушса, шу китобларни тузатиш, янгисига алмаштириш – масжид ихтиёрида ёки бошқа янги китоб олиш учун ёки масжид рағбати учун ёки имом ва валий ихтиёрлари билан ҳар бир хайрли ишда ишлатилиши мумкин.
8. Янги шундай китоб олинганда (вақф тушумидан) у вақфга киритилади ва шу шартга тобеъдир. Шарт матни янгисидда ҳам жорий қилинади. Вақф маблағидан бошқа мақсадда тасарруф қилиш уларни бу вақфга киритмайди. Кенглик бор, торлик йўқ.

9. Вақф қилувчи ушбу вақф савобининг учдан бирини валийга, масжид ходимларига ва фойдаланувчиларга Аллоҳ йўлида бағишлайди; яъни валий, масжид ходимлари ва бу вақфдан фойдаланган шахс вақф савобидан улушга эгадир. Мазкурлардан фақат дуо сўралади.

Ушбу вақф шахсий маблағдан Аллоҳнинг розилиги ва марҳумларга савоб умидида қилинди.

«Китоб ўғриси – ўғри эмас» деювчилар айнан энг катта ўғридир!

Бировнинг ҳаққини, бошқаларга аталган илм манбаини, ва демакки хатоларда тузалиш омилини ўғирлаган бўлади. Бировнинг вақфи жамоатга омонат мулк эканлигини билиб туриб, унга хиёнат қилса, гуноҳга ботади. Қиёматда эса ҳар бир зарра савоб учун талашиладиган паллада савобдан қолган вақф эгаси мен, марҳумларим ва у китоб илмидан маҳрум бўлганлар уларнинг хусуматчиси бўлиб қолишимиз мумкин. Шу дунёда ҳам бир балога йўлиқади. Омонатли бўлайлик!

Аллоҳим, омонатлиларнинг ишини Ўзинг ўнглагин, натижасини улар кутганидан ҳам хайрлироқ қилгин! Толиби илмларнинг илмини зиёда қилгин! Бу вақфни ҳар томонлама фойдали қилгин! Омийн!